

УДК 001.895(575.1)" 1991/2016"  
**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ИДРАВИЙ  
БОШҚАРУВИНИНГ ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧЛАРИ**

**Шамшод Шавкатович ЭРГАШЕВ**  
Мустақил изланувчи  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Тарих институти  
Тошкент, Ўзбекистон

**Аннотация**

Мақолада Ўзбекистон Республикаси давлат ислохотларнинг дастлабки йилларида миллий Фанлар академиялари тизими олдига қўйилган устувор вазифалар ва илмий инновацион фаолиятнинг идравий бошқарув босқичлари таҳлил килинган.

**Таянч сўзлар:** илмий фаолият, инновацион фаолият, илмий салоҳият, давлат ислохотлари, илмий марказлар, илмий ютуқлар, инновацион ғоялар.

**ПЕРВЫЕ ЭТАПЫ ВЕДОМСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ НАУЧНОЙ И  
ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**Шамшод Шавкатович ЭРГАШЕВ**  
Независимый исследователь  
Институт истории  
Академии наук Республики Узбекистан  
Ташкент, Узбекистан

**Аннотация**

В статье анализируются приоритеты системы национальных Академий наук в первые годы государственной реформы Республики Узбекистан и этапы ведомственного управления научной и инновационной деятельностью.

**Ключевые слова:** научная деятельность, инновационная деятельность, научный потенциал, государственные реформы, научные центры, научные достижения, инновационные идеи.

Мустақилликнинг илк йилларидаги мавжуд илмий-техник салоҳиятнинг омиллари ҳақида гапирилганда, Ўзбекистонда замонавий идравий тузилмалар шаклланишининг тарихий босқичларига тўхталиб ўтиш зарур. Фикримизча, илк тузилма XIX асрнинг иккинчи ярми, яъни 1873 йилга тўғри келиб, замонавий Ўзбекистон ҳудудида биринчи илмий муассаса – Тошкент физика ва астрономия

расадхонаси (бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Астрономия институти) ташкил этилиши билан боғлаш мумкин. Ушбу расадхона дастлаб экспедицияларни ташкил қилиш билан шуғулланган, натижада минтақадаги мингдан ортиқ жойларнинг аниқ координаталари аниқланган ва фақат XX асрнинг 30-йилларига келиб расадхона астрономия фанининг фундаментал тадқиқот муаммоларини ҳал қила бошлаган [5].

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритиши мамлакат миллий иқтисодиёти ва илмий-техник мажмуасини модернизация қилишни долзарблашгирди. Янги суверен давлатнинг сиёсий мустақиллигининг манбаи бўлган иқтисодий қудратнинг мустақамланиши илғор илмий ютуқлар ва илмий-техник тараққиётни татбиқ этиш даражаси ва самарадорлиги билан узвий боғлиқ эди. Собиқ совет даврида Иттифоқнинг хомашё базаси ҳисобланган республикани – ривожланган ва рақобатбардош саноатга эга бўлган давлатга айлантириш учун, биринчи навбатда, инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқаришга кенг ва самарали жорий этиш орқали эришиш мумкин эди. Қолаверса, янги тарихий воқелик давлатдан замонавий илмий-техник сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб қилар эди.

Мамлакат раҳбарияти илмий-техник сиёсатни янгилашда фаннинг етакчи маркази ва инновацион интеллектуал маҳсулотлар генератори ҳисобланган миллий Фанлар академиясига устуворлик берди. Аслида бу жараён сал олдинроқ, яъни мустақиллик арафасидан бошланган эди ва бу йўналишда мамлакат раҳбарияти тизим фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қатор фармон ва қарорлар қабул қилди. Жумладан, Ўзбекистон Президентининг 1991 йил 5 мартда “Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мақоми тўғрисида” ги Фармони [6] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 21 июндаги 168-сонли Ўзбекистон ССЖ Президентининг “Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг мақоми тўғрисида” ги Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» ги қарори [7] қабул қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Президентининг 1991 йил 11 мартда “Ўзбекистон қишлоқ хўжалик

академиясини ташкил этиш ҳақида”ги фармони [8] қабул қилинди. Ушбу норматив ҳужжатларнинг муҳим жиҳати шундаки, Ўзбекистонда мустақил миллий фанлар академиясига асос солинган эди. Кейинчалик ушбу мақом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1992 йил 14 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг низоми тўғрисида”ги қарори [9] билан мустаҳкамланиб қўйилди.

Умуман олганда, ислохотларнинг дастлабки йилларида миллий фанлар академиялари тизими олдига қўйилган устувор вазифалар қуйидагилардан иборат бўлди: мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида академияларнинг ишгиروي кучайтириш мавжуд илмий салоҳиятни сақлаб қолиш ва бойитиш илмий тадқиқотларни бозор муносабатлари талабларига мослаштириш интеллектуал салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш илмий ва етакчи жаҳон илмий марказлари билан техник ҳамкорлик, фанга ички ва хорижий сармояларни жалб қилиш

Бу вазифаларни амалга ошириш учун Фанлар академияси фаолиятида ўзгаришлар содир бўлиши ҳамда академия янги ижтимоий- иқтисодий шароитга мослашиши керак эди. Шу билан бирга, миллий иқтисодий комплекс эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган, жаҳон бозорида муваффақиятли рақобат қила оладиган, юқори интеллектуал маҳсулотларни ярата оладиган тизим яратиш керак эди.

Айни вақтда илмий- техник сиёсатни юритишнинг асосий тамойилларини, шунингдек, бошқарув тузилмалари ва илмий- тадқиқот институтларининг ташкилий тамойилларини тубдан қайта кўриб чиқишни талаб қиладиган бир қатор муаммолар пайдо бўлди. Уларнинг ечимини топишда, илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларини аниқлашда янги ёндашувларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш катта аҳамият касб этди. Шу билан бирга, фанни ривожлантиришнинг ички импульсларини, шунингдек, мамлакатдаги реал ижтимоий- иқтисодий вазиятни ҳисобга олиш муҳим эди.

Мустақилликнинг илк йилларидаёқ тизим доирасида мавжуд муаммолар

ҳамда истиқболли режалар муҳокама қилиниб, бошқа мамлакатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, янги шароитлар талабига жавоб берувчи академик фан учун оқилона тузилмани яратиш таклифлари билдирилди. Эскирган беш босқичли бошқарув тизими ўрнига Фанлар академиясининг икки босқичли бошқарувини тузишга қарор қилинди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиумининг таркиби ҳам қайта ташкил этилди ва у бундан буён президент, 4 та асосий мажмуанинг вице-президентлари, бош илмий котиб, шунингдек, ҳудудий бўлимлар раисларидан иборат бўлди [2]. Улар орасида ижтимоий-гуманитар комплекси алоҳида нуфузга эга бўлди.

Шу билан бирга, ҳудудларда 3 та минтақавий идоралар ва илмий марказлар ташкил этилди. Республика эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, 1991 йилда Академия тизимида Сув муаммолари институти қайта ташкил этилди. Худди шу йили илгари ВАСХНИЛ юрисдикциясида бўлган Фитопатология институти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси таркибига ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Генетика институти ташкил этилди. Бу муассасанинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Биолог” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан бирлашиши натижасида йирик илмий марказ – Республика Фанлар академияси Ўсимликлар генетикаси ва экспериментал биологияси институти ташкил этилди.

1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Фан ва техника давлат қўмитаси ташаббуси билан Тошкент вилояти Паркент туманида “Физика-Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Материалшунослик институти ташкил этилди. 1959 йилдан Ўзбекистон Фанлар академияси бўлинмаси сифатида фаолият юритиб келган ва 1991 йилда филиал мақомини олган Қорақалпоғистон ҳудудий бўлимнинг тузилиши ва фаолиятини қайта ташкил этиш бўйича ҳам муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. 1992 йилда маҳаллий Тарих институти негизида Н.Давкараева номидаги Тил ва адабиёт институти ҳамда Тарих, археология ва этнография институти ташкил этилди. Худди шу йили Ҳисоблаш маркази негизида Орол денгизи минтақасининг ижтимоий-иқтисодий муаммолари институти ташкил этилди [2]. Бу жараён

мавжуд вазият ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда кейинги йилларда ҳам давом эттирилди.

Жумладан, 1997 йилга келиб республиканинг ижтимоий-сиёсий ва интеллектуал ҳаётида, хусусан, миллий Фанлар академияси тизимида тарихий воқеа юз берди – бундан 1000 йил олдин фаолият кўрсатган машҳур Маъмун академиясининг ҳуқуқий вориси – Хоразм Маъмун академияси қайта ташкил этилди. У Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Хоразмдаги вилоят бўлими мақомини олди [1].

Дарҳақиқат, мамлакатда бир янги давлатчилик асосларини барпо этаётган Ўзбекистон олдида кадрлар тайёрлаш муаммоси, хусусан, инновацион фикрлайдиган янги авлод кадрларини шакллантириш ҳам давр талабига айланган эди. Мамлакатдаги мавжуд илмий марказларнинг кадр манбаи бу олий таълим тизимидир. Бу борада ҳам раҳбарият олий таълим тизимининг қайта қурилиши ва такомиллашиб бориши таълим тарбия жараёнидаги ислохотларнинг муҳим бўғинига айланиб, изчиллик билан босқичма-босқич олиб борилди. Айниқса университет таълими биринчи ўринга чиқди десак, муболаға бўлмайди.

Жаҳон амалиётидан маълумки, фундаментал фанлар университетлар фаолиятида марказий ўрин эгаллайди. Бошқача айтганда, университетлар ўқув юрти доирасида фундаментал фанларни ривожлантириш учун кенг имкониятларга эга бўлган, чуқур тадқиқотлар олиб борувчи илмий мактаблари мавжуд (университет ҳузурида фаолият кўрсаталиган турли нуфузли институтлар ва марказлар шаклида) бўлган ОЎЮдир. Уни-верситетлар ўқитувчилар ва таълим олувчиларнинг илмий базасини ку-чай-тириши билан кучлидир, бугунги кунда фан билан таълим ўртасидаги уз-вийликни мустаҳкамлаш айнан университетлар зиммасидадир. Университетларнинг яна бир муҳим жиҳати уларнинг кенг доирада ва системали билимлар беришга қодирлигидир. Демак, университет мақоми унга эга бўлган ҳар бир ОЎЮга катта масъулият юклайди, чунки ушбу даргоҳ битирувчиларига сифатли “университет билими” деб айтишга лойиқ билим беришлари учун шарт-шароит

яратилиши керак. Шу билан бирга, ҳақиқий университет таълим маркази бўлибгина қолмай, мамлакат, минтақа ёки вилоят ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маданий билимларни тарқатиш омили ҳамдир. Энг муҳими, университетларнинг бугунги глобаллашув жараёнида тобора миллий доирадан ташқарига чиқиб, турли цивилизацияларнинг ўзаро алоқалари ва бир-бирларини бойитишларида, турли маданиятларнинг ўзаро ҳамкорлигида миллий ва минтақавий марказларга айланиб бораётгани ҳам алоҳида аҳамиятга молик [4].

Таъкидлаш жоизки, университет тизимини кенгайтириш масаласи мустақиллик арафасидан кун тартибига чиққан эди. Хусусан, 1991 йилгача республикада учта университет фаолият кўрсатган бўлса (ТошДУ, СамДУ ва Нукус ДУ), 1991 йилдаги ҳукуматнинг махсус қарорлари асосида Тошкент давлат халқ хўжалиги институти негизида – Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Фарғона давлат педагогика институти негизида – Фарғона давлат университети, Тошкент қишлоқ хўжалиги институти негизида – Тошкент давлат аграр университети ва Тошкент политехника институти негизида – Тошкент давлат техника университети ташкил этилди. Натижада, 1992 йил бошига келиб Ўзбекистонда университетлар сони еттитани ташкил қилди [3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 февралдаги “Республикада янги олий таълим муассасаларини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони [10] бу борада навбатдаги муҳим қадам бўлди. Фармонга асосан “олий таълим тизимини янада такомиллаштириш юқори малакали мутахассислар ва илмий кадрлар тайёрлашни яхшилаш шунингдек, республиканинг барча минтақаларини улар билан яна ҳам тўлиқроқ ва бир текисда таъминлаш мақсадида” еттита вилоят (Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм)даги педагогика институтларига университет мақоми берилди. Шунингдек, Фармонга биноан вилоятларда янги институтлар ва республика ОўЮларининг филиаллари ҳам ташкил қилинди. ТДАУнинг Нукус филиали, ТДИУнинг Урганч филиали ва ТДТУнинг Бухоро, Қарши, Навоий, Фарғона филиаллари шулар жумласидандир. Бинобарин, 1992 йил 12 майда

Тошкент давлат чет тиллари институти ҳамда Республика рус тили ва адабиёти педагогика институти негизида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини ташкил қилиш шунингдек, 1992 йил 23 сентябрда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини ташкил қилиш тўғрисида Президент Фармонлари эълон қилинди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, илмий- техника ахбороти сиёсати, асосан, қуйидаги учта йўналиш асосида олиб борилади. Улар: илм фан, технология ва инновациядир. Мазкур учта йўналишни бир тизимга солган ҳолда Ўзбекистон Республикасида ҳам илмий- техника ахбороти сиёсатини шакллантириш мумкин (1- жадвал).

Уч турдаги йўналишнинг бир- биридан фарқи ва ўзига хос хусусиятлари (илм фан, технология, инновация)

1- жадвал.

Йўналишлар	Илм фан сиёсати	Технологиялар сиёсати	Инновация сиёсати
Назария	Неоклассик	Қиймат, баҳолаш	Қиймат, баҳолаш
Объектлар	Тадқиқот (ихтиро)	Технологиялар (йўналишлар кесимида)	Инновация (тижоратлаштириш ишлаб чиқариш жараёни)
Жараён ишгирокчилари	Илмий ташкилотлар, олий таълим муассасалари	Саноат	Инкубаторлар, акселераторлар, технопарклар, лабораториялар
Воситалари	Илмий дастурлар доирасидаги лойиҳалар, илм фан инфраструктураси	Технологиялар трансфери дастурлари, илмий лойиҳалар натижалари ҳамда ихтиро учун олинган патентлар	Инкубаторлар, Технологиялар трансфери дастурлари
Асосий кўрсаткичлар	Илмий лойиҳалар, илмий- тадқиқот ишлари тақдимотлари ва илмий ходимлар	Илмий ва техник ходимлар, саноатга киритилган илмий- тадқиқот ишлари	Инновациялар учун харажатлар, инновациялар учун кўрилган ташкилий

			ишлар, инновацион ишланмалари
--	--	--	-------------------------------

Демак Ўзбекистон Республикаси илмий- техника ахбороти ресурсларини шакллантириш интеллектуал мулк объектларини таҳлилдан ўтказиш мониторинг қилиш давлат илмий- техника дастурлари билан боғлиқ ишларни бажариш соҳасида маълум бир тажрибага эга. Шунингдек, фан соҳасини бошқариш ва мувофиқлаштириш замонавий технологияларни жалб қилган ҳолда илмий- техника ахбороти ресурсларини сақлаш бойитиш бўйича 28 йилга яқин фаолият олиб бормоқда. Илмий- техник салоҳият концепциясининг шаклланиш жараёни иккита етакчи ёндашувнинг ўзаро таъсири натижасида юз беради. Уларни шартли равишда структуравий- институционал ва фундаментал ёндашув деб аташ мумкин.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Хоразм Маърун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида: Ўзбекистон Президентининг 1997 йил 11 ноябрь 1880- сонли Фармони.  
<https://lex.uz/docs/198975>
2. Академия наук в интеллектуальной истории Узбекистана / отв. дед. Алимова Д.А., Абдурасулов У.А. – Тошкент: Акад.наук Рес.Узбекистан, 2012. – 204 с.
3. Васиева Д.И. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда университет таълимнинг шаклланиши ва ривожланиши: тажриба ва муаммолар (1991- 2001 йй.): тарих фан ном... диссертацияси. – Қарши. 2008. – 495 б.
4. Университеты и общество. Сотрудничество университетов на рубежи веков: Материалы первой международной конференции университетов стран СНГ и Балтии (МГУ им.М.В.Ломоносова.23–24марта 2000 г.) – Москва, 2001. – 678 с.
- 5.[http://www.dissertant.uz/view\\_post.php?id=753](http://www.dissertant.uz/view_post.php?id=753)
6. <https://lex.uz/ru/docs/196506>
7. <https://lex.uz/ru/docs/1649944>
8. <https://lex.uz/ru/docs/239924>

9. <https://lex.uz/ru/docs/489401>

10. <https://lex.uz/docs/-643035>.